

ЖАХОН БОЗОРИГА УЗИМИЗНИ ТАБИИИ ГИЁХЛАРДАН ТАШИЛ ТОПГАН БАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКАРИШ РЕКЛАМА ВА СОТИШ ТУРЛАРИ

Муҳаммаджонова Нигорахон Зафаржон қизи
Марғилон Жамоат Саломатлиги техникуми фармация ассиценти

Аннотация: Мақолада Дори воситалари, тиббиёт ва тиббиёт техникаси давлат реестри маълумотлари асосида тутқаноқ касаллигида ишлатиладиган дори воситаларидан габапентин ва ломатриджин дори препаратларини Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорига кириб бориш динамикаси, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўртасида тақсимланиши бўйича контент таҳлил ўтқазилган маълумотлар берилган. Таҳлил 2017 йил учун 22-сон, 2018 йил учун 23-сон, 2019 йил учун 24-сон, 2020 йил учун 24-сон, 2021 йил учун 25-сон, 2022 йил учун 26-сонли Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида рухсат этилган давлат реестрлари асосида олиб борилди.

Калит сўзлар: Тутқаноқ касаллиги, габапентин, ломатриджин, реестр, ассортимент таҳлил, дори воситаси, дори шакли.

КИРИШ

Бугунги кунда тиббиёт соҳасида тутқаноқ касалликлари сонининг ортиб бориши кўплаб мамлакатларда глобал муаммо сифатида қараб келинмоқда. Тутқаноқ касаллиги бу-тутқаноқ, қуёнчиқ — бош миянинг сурункали касаллиги; кўпинча тиришиш, ҳушдан кетиш, bemor шахсининг ўзгариши, айrim ҳолларда ақлий қобилиятнинг сусайиб бориши билан кечади. Тутқаноқ касаллилигига қўйидагилар сабаб бўлади: бош миянинг шикастланиши, туғма (наслий) ёки турмушда орттирилган, шунингдек, бош ва орқа миянинг юқумли касалликлари, жароҳатлари, туғруқ ҷоғидаги ноҳушликлар, эндокрин омиллар, ногаҳон қўрқув ва баъзи турли ҳолатлар тутқаноқ касаллигига сабаб бўлади. Тутқаноқ мустақил касаллик (генунин - тутқаноқ) ёки симптоматик (бош миянинг яллиғланиши, ўсмаси, шикастланиши ва бошқалар оқибатида) юзага келиши мумкин . Ҳозирги вақтда дунёда тутқаноқ касаллиги жуда кўп учрайди. Аксарият ҳолларда бу касаллик болалик ва ўсмирлик даврида, баъзан кексайганда ҳам кузатилади. Шунинг учун катта ва кичик тутқаноқлар мавжуд. Бу касалликда bemor бир хилдаги ҳаракатларни такрорлайверади; ўзи билмаган ҳолда маст кўринишда, оғзини чапиллатаверади, олдида турган нарсани йиғаверади ёхуд бир жойда гир айланади, ўз - ўзидан югуриб кетади ва бошқалар. Бу эса олимлар томонидан ҳали ҳам ўрганилиб даво натижалари изланиб келинмоқда. Фармацевтика соҳасида тутқаноқ касаллиги учун ҳозирги кунда бир нечта тутқаноқ касаллигига қарши дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қўйидагидорилар замонавий тиббиёт амалиётида тутқаноқка қарши фармакотерапиянинг муҳим қисмларидан бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам

давлатимизга ҳозирги кунда илм-фан, техника, кимё саноатини ривожланиши билан бир қаторда кўп чет мамлакатлардан ҳар хил гурухларга мансуб турлитуман синтетик препаратлар тиббиёт соҳасига кириб келмоқда. Бундай препаратлар организмда пайдо бўлган патологик жараённи нормал ҳолатга келтириш билан бир қаторда, айrim ҳолларда меъёридан ортиқ қўллаш натижасида ёки организмида йиғилиш, кумулясияланиши натижасида кучли заҳарланиш ҳолатларига олиб келиш сабаблари учраб келмоқда . Бундай ҳолатларда заҳаланиш сабабини аниқалаш учун замонавий кимё-токсикологик таҳлил усусларни қўлланилади. Тутқаноққа қарши дори препатларидан габапентин, ломотриджин, прегабалин, карбамезепин, фенобарбитал, валпроид кислотаси, бензобарбитал дорилари кенг ишлатилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сон ва 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3489-сон қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қиласи. Бугунги кунда айrim мутахассис олимлар томонидан юрак-қон томир касалликлари, ўсма касалликларига қарши воситалар, антидепрессантлар, антибиотик ва бошқа гуруҳ препаратларининг фармацевтика бозоридаги ассортимент таҳлили ўтказилган.

Тадқиқот мақсади. Тутқаноқ касаллигига қарши габапентин ва ломотриджин дори препаратлари ассортименти Ўзбекистон Республикасида шу кунгача ўрганилмаганлиги илмий ишнинг долзарблиги ва аҳамиятлилигидан далолат беради. Шуларни инобатга олган ҳолда биз габапентин ва ломатриджин дори препаратини Ўзбекистон фармацевтика бозорида тутган ўрнини атрофлича таҳлил қилишни лозим деб топдик. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорининг маълум бир қисмини ташкил этган тутқаноқ касаллиги гуруҳига мансуб дори габапентин ва ломатриджин дори воситасининг токсикологик аҳамиятини инобатга олган ҳолда ушбу препаратларнинг Ўзбекистон фармацевтика бозорида тутган ўрни, ассортимент таҳлилини ўтказиш мақсад қилиб олинди. Тадқиқот усуслари. Тутқаноқ касаллигига ишлатиладиган дори препаратларининг ассортимент таҳлили, солиштирма ва қиёсий таҳлил усусларини ўрганиш. Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида тутқаноққа қарши дори воситаларининг ассортиментини таҳлил қилиш учун “Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри” маълумотларидан фойдаланилди. Тутқаноқ касаллигига ишлатиладиаган дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатларида дори воситалари таҳлили амалга оширилди. 2022 йил № 26-сон “Тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган дори воситалари, тиббий

буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри” маълумотларига асосан Ўзбекистон ҳудудида умумий 62 та номда тутқаноқ касаллиги дори воситаларидан фойдаланилган. Ушбу дори воситаларининг ассортиментидаги 62 та препаратдан 43 таси (69,4%) хориж давлатларида ишлаб чиқарилган, 6 таси (9,7%) МДҲ давлатларида ишлаб чиқарилган ва 13 таси (21,0%) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушкига тўғри келиши аниқланди. Ҳулоса. Юқорида ўтқазилган контент таҳлил изланишлар асосида олинган натижалардан кўриниб турибдики тутқаноқ касаллигига қарши. Ассортимент таҳлил ўтказиш давомида ламотриджин дори препаратига нисбатан габапентин дори препарати 2017-2022 йиллар давомида ишлаб чиқарилиш ҳолатикамайиб бормоқда, сабаб бу дори тури аллергик касалликларни чақиришга мойил ва заҳарланиш ҳолатлари учраган.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки габапентин препарати Ўзбекистон бозорида кенг миқёсида ишлатилмоқда ва уларнинг асосий қисми синтетик препаратлар бўлиб, кучли таъсир қилувчи воситалардир. Уларнинг савдосини назорат қилинmasлиги бу препаратлар билан заҳарланиш ҳолатларини кузатилишига сабаб бўлиши мумкин, бундай ҳолатларни аниқлаш учун маҳсус усувларни ишлаб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон фармацевтика бозорида тутқаноқ касаллигига қарши дори препаратлари турли туманлиги, улар билан даволашда ҳар бир бемор учун маҳсус дозаларни аниқлашда ёрдам берадиган маҳсус кимё-токциклогик ва биофармацевтик таҳлил усувларини ишлаб чиқиши тақозо этади.